



НОКИМИ

ХОКИМИ

ҚАРОР

2010 йил «25» март

№ 747-К

«Авария чақирув ва тез тиббий ёрдам пункти» ва «Санитария гигиена хизмат кўрсатиш шахобчаси»ни қуриш учун фуқаро Исломов Мирзога рухсат бериш туғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2009 йил 22 октябрдаги 277-сонли «Ўзбекистон миллий автомагистрали бўйлаб йул инфратузилмаси ва сервисини ривожлантириш чора-тадбирлари туғрисида»ги қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида Нуробод тумани ҳудудидан утувчи А-378 «Самарқанд-Қарши» автомобил йўлининг 49 км.да режалаштирилган «Авария чақирув ва тез тиббий ёрдам пункти» ва «Санитария гигиена хизмат кўрсатиш шахобча»си қурилишини ташкил этиш белгиланган. Ушбу объектларни фуқаро Алматов Рашидга туман хокимининг 2010 йил 29 мартдаги №251-К сонли қарори билан қурилишига рухсат берилган. Аммо фуқаро Алматов Рашиднинг ҳозирги кунда қурилиш ишларини амалга ошириш учун имконияти йўқлиги ҳамда рад этганлиги сабабли Жом қишлоқ фуқаролар йиғини Дусллик маҳалласида яшовчи талабгор Исломов Мирзонинг аризасини кўриб чиқиб, тўпланган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 6-моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Нуробод тумани Жом қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидан утувчи А-378 «Самарқанд-Қарши» автомобил йўлининг 49 км.да қурилиши мулжалланган «Авария чақирув ва тез тиббий ёрдам пункти» ва «Санитария гигиена хизмат кўрсатиш шахобча»си қуриш учун ер майдони кўрсатиш туғрисида туман ер танлаш комиссиясининг 2010 йил 27 мартдаги туман хокимининг 2010 йил 29 мартдаги № 251-К сонли қарори билан тасдиқланганлигини инобатга олиб, талабгор Исломов Мирзога «Авария чақирув ва тез тиббий ёрдам пункти» ва «Санитария гигиена хизмат кўрсатиш шахобча»си қуриш учун ҳужжатларда белгиланган жойдан 1200 кв.м, ер майдони қўйилсин.

- 2. Фуқаро Исломов Мирзога қуйидагилар юклатилсин:
 - шахарсозлик қоидаларига риоя қилган ҳолда АРТ ва лойиха ҳужжатларига буюртма қилинсин;
 - вилоят Архитектура ва қурилиш бош бошқармаси билан келишиш, шахарсозлик қоидаларидан утказиш, экспертиза ҳулосасини олиш;
 - вилоят Архитектура ва қурилиш назорат инспекцияси руйхатидан утказиш вазифалари бажарилгандан сунг қурилишни бошлаш ва жорий йилнинг якуни билан қуриб фойдаланишига қўйилсин;
 - қурилиш ишлари тугалланиши билан бинони атрофида доимий экологик ҳолатни сақлаш чора-тадбирларини амалга ошириш юклатилсин.
- 3.Туман бош архитекторига мазкур объектнинг архитектура ва шахарсозлик қоидаларига риоя қилган ҳолда АРТ ва лойиха ҳужжатлари асосида қурилишни назорат қилиш топширилсин.
- 4.Лойиха ҳужжатлари ҳамда қурилиш ишлари 2 (икки) йил муддат ичида бажарилмаса, қарор ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
- 5.Ушбу қарор кучга кирган кундан бошлаб туман хокимининг 2010 йил 29 мартдаги 251-К сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
- 6.Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш туман хокимининг биринчи уринбосари, унинг овоз зиммасига юклатилсин.

Туман хокими Ж. Ибрагимов